



## ТАЛИМ –ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИ НУТҚИНИНГ ЎРНИ

**Ҳикматхон Турсуновна Аҳмедова**

Қўқон давлат педагогика институти,  
ўзбек тили кафедраси катта ўқитувчиси, тел: 903050588.  
[ahmedova hikmathon@gmail.com](mailto:ahmedova hikmathon@gmail.com)

### Аннотация:

Мазкур мақолада ўқитувчи нутқи педагогик мулоқотлар муҳитида, таълим-тарбия жараёнига қўйиладиган талабларни амалга оширишнинг асосий унсурларидан бири эканлиги, унда ўқитувчи нутқининг мазмунигина эмас, балки шакли ҳам алоҳида аҳамият касб этиши баён қилинган. Шунингдек, ўқитувчи нутқини ривожлантиришнинг энг муҳим сифатлари кўрсатилган.

### Аннотация:

В данной статье проанализирована, что речь учителя является одним из ключевых элементов в реализации требований к учебному процессу, в котором особое значение имеет не только содержание, но и форма речи учителя. Он также подчеркивает наиболее важные качества развития речи учителя.

### Annotation.

This article states that the teacher's speech is one of the key elements in the implementation of the requirements for the educational process, in which not only the content but also the form of the teacher's speech is of particular importance. It also highlights the most important qualities of teacher speech development.

### Таянч сўз ва иборалар:

Ўқитувчи нутқи, ўқитувчи нутқининг шакл ва мазмуни, нутқининг техник жиҳати, нутқ маданияти.

### Ключевые слова и выражения:

Речь учителя, форма и содержание речи учителя, техническая сторона речи, культура речи.

### Key words and expressions:

Teacher's speech, form and content of teacher's speech, technical aspect of speech, speech culture

Мамлакатимиз президенти Ш.Мирзиёев: “Олимларимиз энг яхши анъаналарни ўзлаштириб, тарихий меросимизни чуқур ўрганиб, буюк аждодларимизнинг ишларини муносиб давом эттирмоқдалар. Илмий зиёлиларимизнинг муҳим фазилати ҳамма вақт билимга, илғор илмий тафаккурнинг олдинги марраларида бўлишига интилишдан иборат”, – деб олимлар меҳнатини юқори баҳоладилар. [1,62]

Бу баҳо биздан ўз илмий изланишларимизга масъулият билан танқидий ёндашувни ҳам талаб этади, самарали дарсларни ташкил ва ўтказиш юзасидан берилган айрим хато қарашларни, хулосаларни қайта кўриб чиқишга ундайди.

Ҳар қандай дарснинг муваффақияти ўқув предметига, унинг мазмунига, ўқув-методик жиҳатдан таъминланиш даражасига, дарс олиб борилаётган шароит, моддий-

техник базага, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳолатига, янги ахборот ҳамда педагогик технологияларнинг қўлланишига ва яна кўплаб омилларга боғлиқ. Назаримизда, буларнинг ёнида яна бир омил ҳам борки, у бошқалардан кўра ортиқроқ мавқега эга бўлса борки, улардан асло кам эмас. Бу ўқитувчининг нуткидир. [2.4]

Ҳар қандай соҳада ҳам ўқитувчи нуткига қўйиладиган талаблар мутлақо бошқачадир. Ўқитувчи нутқи педагогик мулоқотлар муҳитида, таълим-тарбия жараёнига қўйиладиган талабларни амалга оширишнинг асосий унсурларидан бири сифатида намоён бўлади. Бу ерда ўқитувчи нутқининг мазмунигина эмас, балки шакли ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бошқача айтиладиган бўлса, ўқитувчининг нутқи шундай шаклга эга бўлиши керакки, у педагогик мулоқотнинг муваффақиятли тарзда амалга ошириш учун мазкур мулоқотнинг мазмуни ва мақсадлари, ўз олдига қўйган вазифалари билан энг муносиб тарзда уйғунлашиб кетишни таъминласин. Бу айтишда осон бўлса ҳам, амалда анча қийин вазифадир. Зеро, ҳар бир педагогик вазиятнинг ўзи қутилмаган қарорларни қабул қилишга мажбур қилади. Бунда нутқ жанрларидан қайси бирини танлаш, матн тузишнинг энг оддий қоидаларидан бошлаб, шу жанрга мос ҳолда унинг ифода имкониятларини ҳам нозик даражада ҳис эта олиш, айтиш пайтда мулоқот жараёни учун хос бўлган асосий талаб ва қоидалар (тўғрилиқ, аниқлик, мақсадга мувофиқлик, мантиқийлик, қисқалиқ, ифоданинг таъсирчанлиги ва бойлиги...)га тўла мослашиш шарт.

Нутқнинг техник жиҳатлари ҳам муҳим. Ҳатто овознинг паст-баландлиги, товуш ва сўзларни талаффуз қилишдаги ўзига хосликлар, нутқ жараёнида нафас олиш маромини бошқара билиш, ҳодиса моҳиятидан келиб чиққан ифодадаги таъсирчанликни бера билиш ҳам тингловчи онги ва шуурига бошқача таъсир кўрсатади.

Нутқдан кўп фойдаланадиган касблар сирасида ҳуқуқшунослар, актёрлар, суҳандонлар, табиийки, ўқитувчилар ҳам туради. Ўқитувчининг нутқи эса улардан кескин ажралиб туради. Уларнинг барчаси ўз нутқларининг тингловчига таъсир кўрсатишини бош мақсад сифатида белгилайди. Аммо уларнинг бирортаси ҳам бу нутқнинг таъсирида тингловчида ҳам шунга ўхшаш нутқ намунасини шакллантиришни мақсад қилиб қўймайди. Бундай мақсад фақат ўқитувчи нутқидагина мужассамлашади.

Демак, ўқитувчининг нутқи андоза ва ўрناк намунаси ҳамдир. Ўқувчиларнинг асосий қисми ўз ўқитувчиси нутқида тақлид қилган ҳолда ўзидаги шундай кўникма ва малакаларни шакллантиради, уни такомиллаштириб боради. Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, ўқитувчининг нутқи ўз шогирдлари, ўқувчилар нутқининг тўғри шаклланишига энг кучли ва фаол таъсир ўтказадиган бебаҳо омилдир. Шундай экан, бу йўналишда бўлажак тил ва адабиёт фани ўқитувчилари олдида қандай муаммолар мавжуд ва уларнинг ечимини қандай тасаввур қилиш мумкин? деган савол устида бош қотириш ҳам жоиз.

Маълумки, «Нотиқлик санъати» курсининг асосий вазифаси бўлажак мутахассисларнинг нутқини касбий эҳтиёжлардан ҳамда реал нутқий вазиятлардан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришдан иборат. Уларнинг орасида энг муҳимлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Талабалар нутқининг асоси ва энг муҳим воситаси бўлган умумий маданий савия ва тафаккур тарзини ривожлантириш керак. Зеро, инсоннинг нутқи, тили ва тафаккурининг мавжудлиги ва ривожини ўзаро зич алоқадордир. Инсон нутқини унинг тафаккурисиз, умумий маданияти ривожисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Демак, ўқитувчи ўз фаолиятида бу учликнинг яхлитлигини ҳар доим эсда тутиши ва унга қатъий амал қилиши керак бўлади.

2. Ўқитувчилик касби талаб этадиган нутқ учун қўйиладиган талаблар ҳақидаги маълумотлар (нутқий фаолият ҳақидаги назарий қарашлар билан танишиш, нотиқлик

санъатининг моҳиятини, унинг қисқача ривожланиш тарихини, ҳозирги ўзбек адабий тили мезонларини билиш, нутқ маданияти, услубшуносликка оид асосий тушунчалардан хабардор бўлиш)ни ўрганиш.

3. Талабалар – бўлажак ўқитувчиларда бевосита нутқ амалиётини бошқаришга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш. Бунда уларнинг ўз нутқларини хатоларсиз амалга оширишларидан ташқари, бошқалар нутқидаги камчилик ва нуқсонларни сезиш ва уларни тузатишга оид кўникма ва малакалар ҳам назарда тутилади.

### **Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М.Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - Б. 626.
2. Аҳмедова Ҳ.Т.Нотиқлик санъати манбалари ва ўқувчилар нутқини ривожлантириш омиллари - Тошкент: БАЁЗ, 2015.- Б. 4